SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMAN HOKIMI

QARORI

РЕШЕНИЕ ХОКИМА БАЙСУНСКОГО РАЙОНА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

190400, Boysun sh., Hayot Abadiy ko'ch. 1-uy Tel: 76-33-52-064, Faks: 76-33-53-024

2019 yil "19" март 1112-sonli

Бойсун туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами - 2452, 25.04.2014 йил)га асосан 2019 йилда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган барча қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини (кейинги ўринларда Техникалар деб юритилади) мажбурий техник кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бойсун тумани ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналари 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги барча техникаларни рўйхатини шакллантириш ҳамда техник кўрикдан ўтказиш Бош прокуратура ҳузуридаги агросаноат мажмуаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш

инспекциясининг Бойсун туман бўлими (Ж.Муроталиев) (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) зиммасига юклатилсин.

3. 2019 йилда техник кўрикни уюшқоқлик билан сифатли ўтказиш, техникаларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш мақсадида, техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2019 йил давомида техникаларнинг техник кўрикдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йиғимларнинг ставкалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман ҳокимининг 2018 йил 13 январдаги 2283-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. "Бойсун" газетаси (Ҳ.Қараев)га ушбу қарорни матбуотда ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Бўронов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Туман ҳокими **Ў.Тўраев**

Туман ҳокимининг
2019 йил "19" январ даги
112-сонли қарорига 1-илова

Бойсун туман ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган техникаларни техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия

ТАРКИБИ:

Х.Ходжаев	-	туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, ***комиссия раиси***
Р.Исаев	-	туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, ***комиссия раиси ўринбосари***
Ф.Амиров	-	туман "Агросервис МТП" МЧЖ бошлиғи в.в.б
А.Авазов	-	туман "Агросервис МТП" МЧЖ бошлиғи ўринбосари
Б.Ҳудоёров	-	туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бош мутахассиси

Изоҳ: *Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган шахслар киритилади.*



...туман хокимининг
2019 йил "19" март даги
1112-сонли қарорига 3-илова

2019 йил давомида техникаларнинг техник кўрикдан ўтказилганлиги учун ундириладиган йиғимларнинг ставкалари

Т/р	Йиғимнинг номи	Энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан йиғим миқдори
1.	Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюрар машиналарга	0,18
2.	Қишлоқ хўжалиги машиналарига	0,10
3.	Машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига	0,37